

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

“Тадбиркорликни ривожлантириш  
компанияси” АЖ

Кузатов кенгашининг  
2024 йил “29” апрелдаги  
6/24 - сон йиғилиш баёнига  
7 - илова

**“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик  
жамияти коррупцияга қарши курашиш  
СИЁСАТИ**

**“КИРИТИЛДИ”**

“Тадбиркорликни ривожлантириш  
компанияси” АЖ  
Ижроия органи

**Тошкент – 2024 йил**

## **МУНДАРИЖА**

- I. Умумий қоидалар
- II. Сиёсатнинг мақсади
- III. Қўлланиш ва амал қилиш доираси
- IV. Атамаларнинг асосий таърифлари ва асосий қоидалар
- V. Сиёсатни амалга ошириш
- VI. Коррупцияга қарши курашиш сиёсати устидан назорат

## **I. Умумий қоидалар**

1. “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ (кейинги ўринларда – жамият) ўз бизнес фаолиятида ахлоқий ва виждонли хатти-ҳаракатларнинг юқори стандартларига риоя қилишга интилади. Ушбу Коррупцияга қарши курашиш сиёсати (кейинги ўринларда - Сиёсат) жамиятнинг коррупцияга мутлақо тоқат қилмаслигини акс эттиради ҳамда жамият ўз акциядорлари ва манфаатдор томонларининг обрўси, манфаатларини ҳимоя қилиш меъёрларини белгилайди. Сиёсат жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

## **II. Сиёсатнинг мақсади**

2. Ушбу Сиёсатнинг мақсади – Жамият фаолиятида ҳар қандай коррупция ҳолати тақиқланганлигини тушунтиришдир. Сиёсат жамиятнинг барча ходимлари ва ушбу сиёсатда кўрсатилган бизнес ҳамкорлар томонидан бажарилиши керак бўлган тамойиллар ва қоидаларни, шунингдек ушбу қоидаларни амалга оширишга ёндашувларни белгилайди. Бунда Сиёсат нафақат жамиятнинг манфаатларини, балки унинг манфаатдор томонларининг, шу жумладан бошқалар қаторида ходимлар, миждозлар, акциядорлар, етказиб берувчилар, бизнес ҳамкорлар, маҳаллий ҳамжамиятнинг умидларини, бутун жамият манфаатларини ҳам ҳисобга олади.

## **III. Қўлланиш ва амал қилиш доираси**

3. Ушбу Сиёсат Жамиятнинг барча ходимларига нисбатан қўлланилади.

## **IV. Атамаларнинг асосий таърифлари ва асосий қоидалар**

4. **Порахўрлик** (фаол порахўрлик) тўғридан-тўғри ёки билвосита учинчи шахслар орқали бизнес фойдаси ёки бизнесни юритишда бошқа ноўрин наф олиш ёки сақлаб қолиш учун ўзи ёки бошқалар манфаати йўлида ҳар қандай турдаги ҳар қандай нафни таклиф қилиш, бериш, ваъда қилиш ёки рухсат бериш ҳаракати сифатида тавсифланади. Порахўрлик (пассив порахўрлик), шунингдек, ўз касбий вазифаларини бажариш ёки бажаришдан бош тортиш учун тўғридан-тўғри ёки учинчи шахс орқали ўзи ёки бошқалар учун ҳар қандай фойда сўраш ёки олиш ҳаракатини англатади.

5. **Коррупция** деганда жисмоний шахс томонидан шахсий манфаатлар ёки бошқа шахсларнинг манфаатлари йўлида моддий ёки номоддий наф олиш учун хизмат ёки лавозим ваколатлардан ноқонуний фойдаланиш ёки бундай нафларни ноқонуний бериш тушунилади.

6. Жамият ходимларига порахўрлик билан шуғулланиш қатъиян ман этилади ва улар агентлар, маслаҳатчилар, дистрибьюторлар ёки бошқа бизнес ҳамкорлар каби воситачилардан порахўрлик ҳаракатларини амалга ошириш

учун фойдаланмасликлари керак. Жамият порахўрлик борасида давлат амалдорлари ва бошқа шахслар ажратилмайди, порахўрлик олувчининг мақомидан қатъи назар йўл қўйилиши мумкин эмас.

7. Қоидага кўра, ходимлар томонидан совғаларни, шу жумладан вакиллик харажатлари, кўнгилочарликлар ёки саёҳат каби шахсий фойдаларни қабул қилишига, агар бундай совғалар жамиятнинг Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсатида ва Ахлоқ кодексида белгиланган камтарона қийматга эга бўлса, рухсат этилади. Ходимлар томонидан мижозга, потенциал мижозга ёки харидорга ёки бошқа бизнес ҳамкорга совғалар, вакиллик харажатлари, кўнгилочарликлар ва саёҳат қилиш билан боғлиқ ҳолда совғалар беришда умумий қоида шундаки, улар ҳар қандай қабул қилувчига нисбатан камтарона, оқилона ва кам сонли бўлиши керак. Совғалар, меҳмондўстлик ва кўнгилочарлик ҳеч қачон олувчини жамият учун бирор нарса қилишга, бундай хатти-ҳаракатни мукофотлашга ёки жамиятга зарар етказадиган ҳар қандай ҳаракатни қилмасликка ундаш учун ваъда қилинмаслиги, таклиф қилинмаслиги ёки тақдим этилмаслиги керак. Ушбу масалалар бўйича маслаҳат ва йўл-йўриқ олиш учун ходимлар жамиятда Комплаенс хизмати билан боғланишлари керак. Комплаенс хизмати кўрсатмалар ва тавсиялар бўйича сўровлар ҳисобини юритилишини таъминлайди.

8. **Совғалар** дўстлик ёки миннатдорчилик белгиси сифатида тақдим этилган товарлар ёки хизматлар сифатида таърифланади.

Совға эвазига мукофот ёки қиймат кутмасдан очик берилади. Одатда совғалар бизнес алоқаларини бошлаш, мустаҳкамлаш ёки ривожлантириш учун берилади ёки олинади.

9. Ходимларга нақд пул ёки молиявий имтиёзлар, масалан, кредитлар ёки чегирмалар ёки компаниянинг ҳар қандай жорий ёки потенциал пудратчиси, етказиб берувчиси ёки бошқа контрагенти билан шахсий муносабатларида қулайроқ шартлар кўринишидаги совғаларни қабул қилиш тақиқланади.

10. **Шахсий наф** деганда қуйидагилар назарда тутилади:

**Меҳмондўстлик** таомлар, зиёфатлар ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларни ўз ичига олади. Меҳмондўстлик совғалардан фарқ қилади, чунки меҳмондўстлик қабул қилувчи томоннинг ҳозир бўлишини талаб қилади;

**Кўнгилочарликлар** одатда спектаклларга, концертларга ва спорт тадбирларига ташриф буюришни ўз ичига олади;

**Саёҳат** потенциал мижоз, буюртмачи ёки компаниянинг бизнес ҳамкори томонидан саёҳат чиптасини тақдим этиш, турар жой ёки саёҳат ёки турар жой нархини қоплаш сифатида таърифланади.

11. Жамият бошқа шахсларнинг саёҳат, турар жой ва тегишли харажатларини тўламайди, шартномада аниқ кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

12. **Сиёсий бадаллар** - бу сиёсий партияга, сиёсатчига ёки сиёсий номзодга хайрия қилинган ёки тақдим этилган нақд пул, моддий совғалар, номоддий товарлар ёки хизматлар. Бундай бадаллар қонунга хилоф таъсир ўтказиш учун сиёсий жараёнларга ёки қарорларга нотўғри таъсир қилиш учун қўлланиши мумкин. Жамият ҳар қандай шароитда тўғридан-тўғри ёки билвосита сиёсий бадалларга йўл қўймайди.

13. **Хайрия** пул ёки натура шаклида берилиши мумкин ва жамият маданият, таълим, фан, ижтимоий ҳимоя ва бошқа соҳалардаги хайрия фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун хайр-эҳсон қиладиган ҳар қандай қимматбаҳо нарсаларни ўз ичига олади. Муҳтожларга ёрдам бериш учун хайрия нотижорат ташкилотига ўз мақсадларига эришишда ёрдам берадиган ёки харажатларини қоплайдиган ихтиёрий хайр-эҳсон бўлиб, хайрия қилувчига катта тижорат фойдасини англамайди.

14. Жамият хайрияларнинг икки тоифасини ажратиб кўрсатади:

**бир марталик молиявий ёрдам**, бу ўз мақсадига умумий эришиш учун маълум бир органга пул хайрия қилишдир;

**молиявий иштирок ёки маълум бир тадбир**, ҳаракатлар ёки доимий характердаги лойиҳалар учун харажатларни тўлиқ қоплашни ифодаловчи грантлар.

Молиявий қўллаб-қувватлаш ўрнига жамият учинчи томонга товарларни (моддий ёки номоддий) ёки хизматларни **пулсиз шаклда тақдим этиш** билан боғлиқ бўлган хайр-эҳсонларни тақдим этиши мумкин.

Бошқа хайр-эҳсонларга жамият ўзининг асосий ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантирадиган ва жамият томонидан молиялаштириладиган ёки жамият томонидан яратилган ва бутунлай маҳаллий жамоалар билан боғлиқ бўлган ижтимоий лойиҳалар киради.

15. **Ҳомийлик** - бу тадбирни ўтказиш, хизмат кўрсатиш ёки жамиятга ҳуқуқ ва имтиёзлар берадиган фаолиятни амалга ошириш.

Масалан, Жамият хизматларини илгари суриш ва реклама қилиш мақсадида учинчи шахсга маблағлар ўтказиш тушунилади.

Маданий ҳомийлик деганда маданият билан боғлиқ бўлган муайян муассасалар, тадбирлар билан ҳамкорлик қилиш орқали жамиятни тарғиб қилишга мўлжалланган муайян маданий тадбирлар тушунилади. Ҳомийлик хайриялардан шуниси билан фарқ қилади-ки, ҳомий бунинг эвазига бирор нарса олиши, масалан, жамият реклама қилиниши ёки тарғиб қилиниши мумкин.

16. Қоидага кўра, хайрия ва ҳомийлик амалдаги қонунчиликка мувофиқ тақдим этилади ва ҳеч қачон жамият учун ноқонуний ҳаракатлар ёки қонунга хилоф фойда билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлмаслиги керак.

17. Хайрия ва ҳомийлик, агар улар кимнидир нотўғри ҳаракат қилишга мажбурлаш ёки нотўғри ҳаракат учун мукофот сифатида берилган ёки қабул

қилинган бўлса, пора деб ҳисобланиши мумкин. Улар, шунингдек, коррупцияга берилган контрагентларга яширин ўтказмалар сифатида қўлланиши мумкин.

## **V. Сиёсатни амалга ошириш**

18. Комплаенс хизмати Сиёсатни самарали амалга оширишни таъминлаш учун жамият ходимларини доимий равишда ўқитиш ва хабардор қилишни ўз зиммасига олади. Хусусан, Комплаенс хизмати кадрлар хизмати билан ҳамкорликда ходимларни ўқитиш билан боғлиқ қуйидаги чораларни кўради:

керакли маълумотларни, шу жумладан ушбу Сиёсатни нашр этишни, интернет, ички семинарлар, очик мунозаралар ва бошқалар орқали тақдим этиш, ходимларнинг коррупциянинг олдини олиш тўғрисида хабардорлигини таъминлаш;

янги ходимларни ишга қабул қилишда, уларни жамиятнинг порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш қоидалари билан таништиради.

19. Жамиятнинг Комплаенс хизмати ушбу Сиёсатга амал қилинишини таъминлаш учун масъул ҳисобланади. Комплаенс хизмати Сиёсатнинг долзарблигини таъминлаш ва энг яхши амалиётларни намоёниш этиш учун жавобгардир.

20. Ҳар бир раҳбар ўзининг функционал жавобгарлиги доирасида ушбу Сиёсатга риоя қилиши, намуна кўрсатиши (намуна бўлиши) ва қўл остидаги ходимларга кўрсатмалар бериши шарт.

21. Барча ходимлар ушбу Сиёсатда белгиланган тамойиллар ва қоидаларга риоя қилиш учун жавобгардир. Ходимлар томонидан Сиёсат бузилганлиги, Комплаенс хизмати томонидан ўз ташаббуси билан аниқланган қоидабузарликлар ёки тахмин қилинган қоидабузарликлар тўғрисидаги ҳисоботлар белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

## **VI. Коррупцияга қарши курашиш сиёсати устидан назорат**

22. Комплаенс хизмати Сиёсатни камида икки йилда бир марта ёки заруратга кўра вақти-вақти билан Сиёсатнинг мақсадлари йўлида зарур ўзгаришлар ва қўшимчаларни аниқлаш, шунингдек, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва ички сиёсатга, жамиятнинг тартиб-таомилларига мувофиқлигини таъминлаш учун қайта кўриб чиқади.

23. Сиёсатга киритиладиган ҳар қандай ўзгаришлар жамиятнинг Кузатув Кенгаши ҳузурида ташкил этиладиган Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тавсиясига биноан Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланади.